Гап ҳамкорликда

Японияниг «Тойо инженеринг» корпорацияси Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида дизель ёнилғисини тозалаш цехи учун лойиҳа ишлаб чиққан эди. Яқинда шу лойиҳа асосида Туркиянинг «Текфин» компанияси қурувчилари ушбу цехни бунёд этиб беришди. Эндиликда бу корхона йил давомида бир неча юз минг тонна дизель ёнилғисини қайта ишлаш қувватига эга. Бу ерда Япония, Голландия, Германия, Франция, Италия, Корея ва АҚШда тайёрланган замонавий жиҳозлар ўрнатилган. Дарвоқе, ишлаб чиқариш жараёни Американинг «Хонувелл» масофадан бошқариш ускуналари ёрдамида амалга оширилади.

Қувонарлиси шундаки, янги корхона дизель ва газ ёнилғиси сифатини яхшилаш билан бирга атроф-муҳит мусаффолигини ҳам сақлаб қолади.

Умматали ТЎРАХОНОВ

«Лисонут-тайр» талқини – саҳнада

Ўзбекистон Ёшлар театрида Алишер Навоийнинг «Лисонут-тайр» асари асосида яратилган мимик томошанинг қайта ишланган қисми кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилди. Маълумки, асар премьераси шу йилнинг 30 мартида бўлиб ўтган эди. Соҳа мутахассислари ва жамоатчилик фикрига асосан, унинг баъзи кўринишлари, хусусан, образлар талқини, ҳаракатлар дастури бир мунча бойитилди.

Спектакль театр мухлислари томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Мумтоз адабиётимизнинг ёрқин намунаси — «Лисонут-тайр» достони бутун мазмун-моҳияти билан ўзига хос барча бирдек тушуна оладиган саҳна асари кўринишига эга бўлди.

Асар тақдимотида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н. Жўраев иштирок этди.

Ўктам ДЎСТЁР,
ЎзА мухбири

Нафис санъат ғунчалари

Аниқ мақсадни кўзлаган инсоннинг келажаги ёруғ бўлади. Алишер Навоий номидаги республика Нафис санъат лицей талабалари ҳам шу мақсадни йўл билган. Яқинда бу илм даргоҳида адабиёт, рассомчилик, тарих, иқтисод, инглиз тили йўналишлари бўйича билим олган ўқувчиларнинг битириш оқшомига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Унда халқ таълим вазири Жўра Йўлдошев, Осиё университети бошқарувчиси жаноб Ли Он У, республика ўқувчилар методик маркази бўлим мудири Муҳаббат Абдураимова ва бошқа меҳмонлар иштирок этишди.

Бу илм даргоҳининг республикамизда кўзга кўринган масканлардан бири эканлиги, ўқувчиларнинг фаоллиги, уларнинг радио- телевидениедаги чиқишлари, ҳамда улар орасида Ёзувчилар уюшмасига аъзолари борлигидан сўзга чиққанлар фахрланиб гапирдилар.

— Бу лицей менга телевидение, радио, газета ва журналлар орқали таниш. Бизнинг шаҳримиздан ҳам ўқувчилар келиб ўқишади. Бу ерда малакали ўқитувчилар дарс бераркан. Ўқувчиларнинг юқори даражада билим олиши учун барча шароитлар мавжуд, — дейди Фарғона шаҳридаги Камолот ёшлар телевидениеси жамоатчи мухбири Муножат Солиева.

Аслиддин АБДУЛАЗИЗ ўғли

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 22 июнь, сешанба • № 73 (24.468).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигида

Қўшинларни тайёрлаш режасига мувофиқ 1999 йил 22 июндан 26 июнга қадар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг команда-штаб машқлари ўтказилади.

Машқ давомида Мудофаа вазирлигининг республика пойтахти хавфсизлигини, энг муҳим хўжалик объектлари коммуникацияларини қўриқлаш ва мудофаа қилишни таъминлаш, ҳозирги вақтда амалга оширилаётган Қуролли Кучларни ислоҳ қилиш ва таркибини янгилаш доирасида қўшилмалар, қисмлар жанговар қобилиятини ошириш бўйича бошқа вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорлиги масалаларини такомиллаштириш режалаштирилмоқда.

(ЎзА)

Хирмон тўлиб тўкилди дон...

Пахтачилик ғаллакорлар Самарқанд вилоятида биринчи бўлиб, давлатга ғалла топшириш режасини ошиғи билан уддаладилар. Мамлакатимиз ғалла хирмонига 9000 тонна сара дон етказиб берилди. Ғалла хирмонини яратишда Шомурод Қаҳҳоров, «Лалмикор», «Зиёвуддин», «Деҳқонобод», Шамси Назаров, Охунбобоев номидаги хўжаликларнинг ғаллакорлари муносиб улуш қўшдилар. Рустам Бобоқулов, Ғанишер Баҳромов, Раҳмон Йўлдошев каби ўнлаб оилавий пудратчилар ҳар гектар ердан ҳосилдорликни 55-68 центнерга етказдилар.

Давлатга дон топширишни қисқа муддат — атиги 7 иш кунида бажаришда Носир Йўлдошев, Неъмат Муродов, Баҳодир Остонов каби комбайнчилар катта ҳисса қўшдилар.

Пахтачилик уста ғаллакорлар давлатга яна 500 тонна ғалла топшириш учун ўрим-йиғимни авж олдирмоқдалар.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ҳосил мўл бўлди

Қоракўл тумани ғаллакорлари вилоятда биринчи бўлиб давлатга дон сотиш бўйича шартнома режасини бажардилар. 5150 гектар майдондан ҳозиргача 11250 тоннадан зиёд ҳосил олинди.

Ҳосилдорлик гектарига 37 центнерга етди. Бу ўтган йилги якуний натижадан 15 центнер кўпдир.

Дон етиштиришда меҳнатни ташкил этишнинг пудрат усули қўл келди. Майдонлар 23 нафар пудратчига бўлиб берилди. Охунбобоев номидаги жамоа хўжалигидан Гулсара Бобоева оилавий пудрати 9 гектар ернинг ҳар гектаридан 70 центнер, саётлик Баҳодир Бердиев, зарафшонлик Манзура Ҳамроевалар 57,7 центнердан сара дон олдилар.

— Ҳали ўрилмаган 1900 гектар майдон бор, — дейди туман ҳокими Абдусалом Раҳмонов. — Бу 18500 тонналик хирмон уюшимизга кафолат беради.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Мустақиллик манзаралари

Икром ҲАСАНОВ олган сурат

«003» хабар беради

«003» — Давлат солиқ қўмитасининг «Ишонч» телефони. У куну тун ишлаб турибди. Фуқаролар ўзлари кўрган ва билган қонунбузарликлар ҳақида шу телефон орқали солиқчиларга маълум қилмоқдалар. Тезкор гуруҳ аъзолари тушган маълумотларни текширишганида улар ўз тасдиғини топаяпти.

«Ишонч» телефонига тушган маълумот асосида Бектемир туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари ўтказган текширувда шакарфуруш Иззатулла Ишимов қўлга тушди. У ҳужжатсиз шакарнинг ҳар килосини Қўйлиқ бозорида 240 сўмдан сотаётган пайтида «тадбиркорлик» фаолиятига чек қўйилди. Ҳозир суриштирув ишлари олиб борилаяпти.

* * *

Қозоғистонлик тадбиркорлар К. Қаландаров, Х. Исмоилов ва А. Турсунов ҳар кубметр ёғочни А. Икромов туманидаги «Ўрикзор» бозорида 9 минг сўмдан, жами 612 минг сўмга пуллаб, эндигина уйларига равона бўлай, деб турганларида солиқчилар келиб қолишди. Телефон орқали берилган маълумот ўрганилиб, бу фуқароларнинг ҳар бирига Солиқ кодексининг 57-моддасига асосан ялпи даромаднинг 20 фоизи миқдорида, жами 122 минг 400 сўм даромад солиғи ҳисобланди ва тўлов хабарномалари берилди.

* * *

Гўшт билан савдо қилаётган Ҳикмат Раҳмоновнинг юлғичлиги ҳам тасдиқланди. У бир харидорга гўшт тортиб, 184 сўм уриб қолган пайтида қўлга тушди. Юлғич қассоб устидан жиноий иш қўзғатилди.

* * *

Вояга етмаган М. Сирожиддинов эса гувоҳномасиз қассобчилик билан шуғулланаётган экан. Унинг фаолияти тўхтатилиб, тузилган ҳужжатлар Ҳамза тумани ҳокимлигининг вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиясига юборилди.

* * *

Юнусобод тумани фуқароси Раиса Бунина ҳужжатсиз 7 турдаги халқ истеъмоли моллари билан савдо қилаётгани ҳақидаги маълумот ҳам ўз тасдиғини топди. Солиқчилар расмийлаштирган ҳужжатлар туман судига юборилди.

Расман эълон қилинди

НАТО Бош котиби Хавьер Солано 20 июнь куни Болқонда ҳарбий ҳаракатлар тўхтатилганини расмий равишда эълон қилди. Ҳарбий ҳаракатлар Солано фармойишига кўра, 10 июнда, яъни 9 июнда Косовода тинчликни таъминлаш кучлари қўмондонлиги билан Югославия ҳукумати вакиллари ўртасида ҳарбий-техникавий битим имзолангандан сўнг тўхтатилган эди.

Ўз уйида отиб кетишди

Ўтган шанба куни соат 22 атрофида Ордженикидзе станицасидаги (Ингушетия Республикаси) ўз уйидан чиқиб кетаётган пайтда номаълум жиноятчилар Ингушетия Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирининг ўринбосари, ички хизмат подполковниги Сергей Хваль ва шу вазирликнинг оператив бўлими бошлиғи Геннадий Ганиевни «ТТ» тўппончасидан отиб кетишди. Олинган жароҳат туфайли Сергей Хваль касалхонага етмасдан – йўлда, Геннадий Ганиев эса операция столида вафот этдилар. РИА «Новости»га маълум бўлишича, Ингушетия ИИВ маълумотларига кўра, жиноят содир этилганидан сўнг хужум қилганлар қора рангли ВАЗ- 2106 русумли автомашинага ўтириб, номаълум томонга қочиб кетганлар. Ушбу жиноят юзасидан республикада махсус режа ишлаб чиқилди. Ташкилий-қидирув тадбирлари ўтказилмоқда.

Битим имзоланғани тасдиқланди

АҚШ Косово Озодлик армиясини қуролсизлантириш тўғрисидаги битим имзоланганини тасдиқлади. Ушбу ҳужжат матни НАТОнинг Брюсселдаги қароргоҳига юборилди. Битимда Косово Озодлик армияси жангчилари 30 кун мобайнида қуролсизлантирилиши, шунингдек, барча ҳарбийлашган қисмлар шу муддатда Косовони тарк этишлари кўзда тутилган. Бундан ташқари Косова Озодлик армияси аъзолари Косовода тинчликни таъминлаш кучлари қўмондонлиги буйруғига бўйсунишлари лозим, деб хабар беради «Эхо-Москва» радиостанцияси.

Нолегал иммигрантлар ушланди

Туркия полицияси Италияга жўнаб кетаётган кемадан икки юздан зиёд нолегал иммигрантларни ушлаб қолди. «Онадўли» ахборот маҳкамасининг ярим расмий хабарига кўра, бу иммигрантларнинг асосий қисми турклар, шунингдек, Нигерия ва Ироқ фуқароларидир. Ҳар йили Туркия орқали Европа иттифоқи мамлакатларига Яқин Шарқ, Осиё ва Африка мамлакатларидан минглаб одамлар яширинча ўтиб кетмоқда, деб хабар беради Би-Би-Си.

Музокаралар кечиктирилди

Пхеньян икки Корея ўртасидаги уруш туфайли ажралиб кетган оилаларни тиклаш ҳақидаги музокаралар бошланишини кечиктирди. Шу масала юзасидан маслаҳатлашув бугун Пекинда бўлиши лозим эди. Жанубий Корея делегатларининг айтишича, шимолий кореялик ҳамкасблари бир неча соатга мухлат сўраганлар, бироқ сабабини маълум қилишмаган. Ҳар иккала томон ҳам ўтган ҳафта Жанубий денгизда юз берган қуролли можарога қарамай, музокараларни бошлаш ниятидадирлар. Икки мамлакат ўртасидаги бевосита музокаралар бундан бир йилча кўпроқ илгари, Жанубий Корея оилаларни бирлаштириш масаласини Шимол адресига озиқ-овқат етказиб бериш масаласини боғлашга урингандан сўнг тўхтаб қолган эди, деб хабар беради Би-Би-Си.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 22 июндан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади*

1 Австралия доллари	78,84	10 Люксембург франки	31,45
1 Австрия шиллинги	9,22	1 Малайзия рингтити	32,15
1 Англия фунт стерлинги	194,78	1 Германия маркаси	64,86
10 Бельгия франки	31,45	1 Польша злотийси	31,27
1 Голландия гульдени	57,56	1 СДР	163,72
10 Греция драхмаси	3,92	1000 Туркия лираси	0,29
1 Дания кронаси	17,08	1 Финляндия маркаси	21,33
1 БАА дирхами	33,26	1 Франция франки	19,34
1 АҚШ доллари	122,17	1 Швейцария франки	79,44
1 Миср фунти	35,85	1 ЕВРО	126,85
10 Испания песети	7,62	10 Жанубий Корея вони	1,05
100 Италия лираси	6,55	10 Япония иенаси	10,09
1 Канада доллари	83,45	1 Россия рубли	5,04
1 Хитой юани	14,76	1 Украина гривнаси	30,93

***)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

Деҳқон хўжалиги нима?

Президентимиз Сурхондарё вилояти ҳокимлигида вилоят ҳокими ўринбосарлари, туман ҳокимларидан «Сизларда юридик шахс мақомига эга деҳқон хўжаликлари нечта?» дея сўраганларида ҳеч ким аниқ жавоб қилолмади.

Маълумки, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришга оид қонунлар мажмуи ҳар томонлама муҳокамадан сўнг қабул қилинганига бир йилдан ошди. Кечагидай эсимизда, йўлбошчимиз бу қонунларнинг қабул қилиниши ишимизнинг эллик фоизи, ҳали уларни ҳаётга татбиқ этишдек катта вазифа олдимизда турибди, дегандилар.

Шундан буён ўтган даврда бу қонунлар матбуотда эълон қилинди, алоҳида китоб шаклида чоп этилди. Нимасини айтамиз, қиш фаслида ҳокимлар ва хўжалик раҳбарлари ўқувларида бандма-банд ўрганилди. Лекин одамнинг ўзида бўлмаса қийин экан. Айтайлик, ушбу қонунларни хўжалик раҳбари лавозимида ишлаётган амалдор қанчалик билиши керак? Менимча, бу даражадаги ходим қонунни сув қилиб ичиб юбориши, ўрни келганда тегишли моддаларини шарҳлаб бериши керак. Чунки у кундалик фаолиятида бу қонунларда ифодаланган ҳолатлар билан ҳар қадамда дуч келади. Демак, бирор қарор қабул қилиши учун беихтиёр «Хўш, бу масала қонунда қандай акс этган?» деган саволни ўз олдига қўйиши, сўнг муайян ечимга келиши керак.

Афсуски, бир қанча вақт муқаддам Иштихон туманида хизмат сафарида бўлганимда каттагина бир хўжаликнинг раҳбарига «Фермер хўжалиги билан деҳқон хўжалиги ўртасида нима фарқ бор?» дея савол беришга тўғри келганда, суҳбатдошимиз тап тортмасдан «Деҳқон хўжалиги деҳқончилик маҳсулоти етиштиради, фермер хўжалиги чорва билан шуғулланади» деб жавоб қилган эди. Ахир, сиз раҳбар бўлган хўжаликда фермерлар деҳқончилик маҳсулоти етиштиряпти-ку, деб эътироз билдирсак, ер чизиб қолди. Тўғри, бу киши эндиликда раҳбарлик лавозимидан четлатилган. Лекин, кузатишларнинг кўрсатишича, биз келтирган мисол, афсуски, ягона эмас. Ундайлардан «Нега замондан орқада қоляпсиз?» деб сўрасангиз вақт етишмаслигини баҳона қилишади.

Албатта, бу хилдаги хўжалик раҳбарлари кечаю-кундуз дала ишлари билан банд эканликларини сабаб қилишлари мумкин. Лекин, юртбошимиз айтганидек, улуг мақсадлар йўлида завққа тўлиб ишлаш учун мамлакатимизда яратилган ҳуқуқий заминдан узилмаслик керак.

Мақолани ўқиётган муштарий «Хўш, фермер хўжалиги ўртасида нима фарқ бор экан, биз ҳам билиб қўяйлик» дейиши табиий. Бунинг учун Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунларига мурожаат қилиш кифоя. «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонунда шундай модда бор: **«Фермер хўжалиги ўзига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи фермер хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдир»** — Бу хўжаликка кимлар аъзо бўла олади? 3-моддада шундай дейилади: **«Фермер хўжалиги аъзолари жумласига фермер хўжалигини биргаликда юритаётган, бу хўжаликдаги иш ўзининг асосий меҳнат фаолияти жойи бўлган фермер хўжалигининг бошлиғи, унинг хотини (эри), болалари, шу жумладан, фарзандликка олинган болалари, тарбиясига олинган болалари, ота-оналари, бошқа қариндошлари ҳамда меҳнатга қобилиятли ёшга етган бошқа шахслар киради».**

Қонунни қанчалик биламиз?

Эътибор беряпсизми, қонунда халқимизнинг азалдан жамул-жам бўлиб, аҳил-иноқ ишлаши, эзгу қадриятлари акс этган.

Энди «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонунга мурожаат қилиб, юқорида қўйилган саволга жавоб ахтарайлик.

«Деҳқон хўжалиги оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиради ва реализация қилади». Демак, томорқа ер участкасида маҳсулот етиштириш ва шу ҳисобдан юридик шахс мақомига эга бўлиш мумкин экан-да? Худди шундай. Бундай хўжалик қанча ер майдонига эга бўлиши мумкин? 8- моддада қуйидаги сўзларни ўқиймиз: **«Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) аъзоларининг, бошқа қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг оилаларига, шунингдек, қишлоқ жойларда яшовчи ўқитувчилар, шифокорлар ва бошқа мутахассисларнинг оилаларига деҳқон хўжалиги юритиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга томорқа ер участкаси иморат ва ҳовли эгаллаган майдонни ҳам қўшганда суғориладиган ерларда 0,35 гектаргача ва суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда 0,5 гектаргача ўлчамда, чўл ва саҳро минтақасида эса суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда 1 гектаргача ўлчамда берилади».**

Қонунда деҳқон хўжалигига шу қадар кўп ҳуқуқлар берилганки, уларни ҳамма ҳам билавермаслиги мумкин. Деҳқон хўжалиги ишлаб чиқариш фаолиятини мустақил ташкил этиши, маҳсулотга мустақил равишда баҳо белгилаши, тадбиркорликдан чекланмаган миқдорда даромад (фойда) олиши мумкин. Хўш, бу турдаги меҳнат фаолияти билан банд бўлган фуқаро меҳнат стажи қандай ҳисобланади? Деҳқон хўжалиги аъзолари қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат ижтимоий суғуртасидан ўтказилиши ва ижтимоий таъминланиш, шунингдек товар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш учун деҳқон хўжалигида сарфланган иш вақти Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармасига бадаллар тўлаб борилган тақдирда меҳнат стажига киритилиш ҳуқуқига эга. Бу имтиёзлар қонунга биноан фақат юридик шахс мақомини олган деҳқон хўжаликларигагина татбиқ этилади. Яна бир бор таъкидлаш керакки, бундай имкониятлар илгари йўқ эди ва шу ҳолнинг ўзи ислоҳотлар ҳар бир фуқарога кенг йўл очиб бераётганлигини кўрсатади. Мустақил мамлакатимиз қонунлари одамларга унумли ишлаш, шунга яраша даромадга эга бўлиш учун катта имкониятлар яратмоқда.

Ахир, биргина «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг ҳаётга тадбиқ этилиши мамлакатимиз бўйича қанчадан-қанча аҳолини иш билан таъминлаши мумкин. Маълумотларга кўра, бугунги кунда мамлакатимиз бўйича юридик шахс мақомини олган 4200 та деҳқон хўжалиги фаолият юритмоқда. Агар жами 3 миллиондан зиёд деҳқон хўжалиги мавжудлигини ҳисобга олсак, ҳали кўплаб деҳқон хўжаликлари ўзларига яратиб берилган имкониятлардан хабардор эмас. Шу сабабли кўплаб мулкдорлар, тадбиркорлар амалий ҳаракат қилишмаяпти. Агар ҳаётий масалалар қадамба-қадам ечилиб бораверса, ислоҳотларимиз мароми жадаллик касб этади.

Шуҳрат ЖАББОРОВ

Ҳисобот-сайлов конференциялари

Амалий ишлар кўпроқ бўлсин

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар ташкилотининг II конференцияси ана шундай шиор остида бўлиб ўтди. Унда делегатлар пойтахт партия ташкилотининг ортда қолган йиллардаги ишларини таҳлил этиб, унинг истиқболдаги фаолиятининг устувор йўналишларини белгиладилар.

Пойтахт ташкилотининг таъсис конференцияси бўлиб ўтгандан буён етти ярим йил вақт ўтди. Шу йиллар мобайнида ЎзХДП шаҳар ташкилоти сафларига 40 мингдан зиёд янги аъзолар қўшилди ва ҳозир унинг умумий сони 49 минг нафарга етди. Бунда аёллар сони икки мингдан зиёдроқ кўпайгани эътиборга лойиқдир. Ишчилар, хизматчилар ва талабалар сони ҳам анча ортди. Ҳудудий ва маҳалла партия ташилотларининг сони тез суръатлар билан кўпайиб боряпти. Бугунги кунда шаҳарда 1616 бошланғич партия ташкилоти фаолият кўрсатаётган бўлса, шундан 787 таси ҳудудий партия ташкилотидир.

Шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби Л. Ғуломов конференциядаги ҳисобот маърузасини ана шу далил ва рақамларни келтиришдан бошлади. Ўтган давр мобайнида, деб таъкидлади маърузачи, иқтисодиётни қайта қуришни амалга оширишда, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда ва мустаҳкамлашда, Ўзбекистон пойтахтида демократик жараёнларни чуқурлаштириш учун қулай шарт-шароитлар яратишда амалий иштирок қилиш шаҳар партия ташкилотининг асосий вазифаси бўлди.

Партия ташкилотлари меҳнат жамоалари ва турар жойларда фаолият юритиб, одамларда ташаббускорликни уйғотишга, уларни иқтисодиётни тузилмавий қайта қуриш вазифаларини ҳал этишнинг энг яхши йўлларини ижодий излашга сафарбар қилишга интилдилар. Бунда ЎзХДП шаҳар кенгаши ҳокимлик билан мустаҳкам алоқада фаолият юргизди, бошқа жамоа ташкилотлари ва ҳаракатлар билан ўзаро алоқаларни кенгайтириб борди. Зеро, конференция ҳайъатида шаҳар ҳокимининг бир йўла уч ўринбосари — Р. Акрамов, Э. Эрназаров ва шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг раиси Ф. Абдураҳимованинг ҳозир бўлиши ЎзХДП пойтахт ташкилоти билан маҳаллий ижроия ҳокимият органлари ўртасида мустаҳкам алоқалар борлигидан далолат беради. Шаҳар ҳокимининг ўринбосари Эркин Эрназаров конференцияда сўзга чиқиб, ана шу анъанани, айниқса ижтимоий масалалар, шаҳар аҳолисига маиший ҳамда коммунал хизматни яхшилаш борасидаги муаммоларни ҳал қилишда ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш хусусида ўз мулоҳазаларини билдирди.

Партия кенгашларининг эътибори аҳолини, энг аввало, унинг ночор гуруҳларини ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилган тадбирларни амалга оширишга қаратилди ва қаратиб келинмоқда. Шаҳар партия ташкилотининг бу борада тўплаган иш тажрибаси бой ва хилма-хил. Партия кенгашларининг болалар уйлари ва мактаб-интернатларни ўз оталиқларига олганлиги, хайрия тадбирлари ўтказилаётгани, улардан тушган маблағлар эса кам таъминланган оилаларга ёрдам сифатида тарқатилаётгани шулар жумласидандир. Партия ташкилотлари кекса авлод тақдирига бефарқ қарамаётир, Ватанимиз мустақиллиги ва озодлиги йўлида ўз ҳаётларини аямаган инсонлар хотираси муқаддас саналмоқда. Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан жанг майдонларидан қайтмаган ватандошлар ҳурматини жойига қўйиш, умргузаронлик қилаётганларга эса эҳтиром кўрсатишни ҳар бир партия ташкилоти ўзининг бурчи, деб ҳисоблайди.

Конференция делегатлари ижтимоий масалалар, меҳнат жамоалари ва аҳоли турар жойларидаги оммавий-сиёсий ҳамда тарбиявий ишларда партия ташкилотларининг иштироки бениҳоя муҳим эканлиги ҳақида сўз юритишиб, ЎзХДП туман кенгашлари, бошланғич партия ташкилотлари ўз кучғайратларини мамлакатимиз Президенти И. А. Каримовнинг республика Олий Мажлиси XIV сессиясида қилган маърузасида баён этилган масъулиятли вазифаларга йўналтириш зарурлигини таъкиладилар. Хусусан, ЎзХДП Хамза туман кенгашининг биринчи котиби Ш. Файзиев, «Тошкент трактор заводи» давлат акционерлик жамияти кузатув кенгаши ижроия маҳкамасининг мудири, корхона бошланғич партия ташкилотининг котиби Н. Липоткина ва бошқалар бу ҳақда бир қатор аниқ таклиф ва мулоҳазаларни билдирдилар.

Ўтган давр мобайнида шаҳар партия ташкилотининг амалга оширган ишлари, эришган муваффақиятлари қўлами кенг, албатта. Лекин бу хотиржамликка асос бўла олмайди. Аҳоли ўртасида, айниқса, ёшлар ўртасида мафкуравий ва тарбиявий ишларни мутасил такомиллаштириш, унинг таъсирчан шаклларини ва воситаларини излаб топиш давр талабидир. Тошкентда шу йил февралда содир бўлган фожиали воқеалар буни яна бир бор эслатди. Конференцияда сўзга чиққан «Ўзэлектроаппарат» ОТАЖ бошқаруви раиси, Олий Мажлис депутати А. Алимбоев, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг биринчи проректори А. Қирғизбоев, республика «Камолот» жамғармаси раиси, Олий Мажлис депутати Ҳ. Абдураимов, Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри актёри, Ўзбекистон халқ артисти Т.Азизов, «Умид» тиббий-қайта тиклаш маркази бош мутахассиси Д. Қурбонова ва бошқалар ўз нутқларида тарбиявий ишлар кўлами ва таъсирчанлигини кучайтириш зарурлигини таъкидладилар. Шунингдек, улар барча ишлар халқимизнинг энг яхши миллий ва маънавий қадриятлари билан узвий боғлиқ ҳолда, маънавият, маданият, таълим даражасини юксалтириш билан бирга қўшиб олиб бориш зарурлигини айтдилар. Фақат ана шундай мустаҳкам пойдевор бўлгандагина иқтисодиётни муваффақиятли ислоҳ қилиш, демократик жамият қуриш, халқ фаровонлигини оширишда муваффақиятга эришиш мумкин.

Ижроия бюро фаолиятида, деб таъкидлади маърузачи, ХДПдан ҳокимият органларига сайланган депутатларнинг фаолияти билан боғлиқ масалалар ҳам муҳим ўрин олди. Шаҳар кенгаши халқ ноибларига ўз сайлов округларида фаол иш олиб боришлари учун зарур шарт-шароитлар яратишга кўмаклашди, сайловчилар билан учрашувлар ўтказишни ташкиллаштиришда ёрдам берди. Ўтган даврда ЎзХДП рўйхати бўйича Олий Мажлисга Тошкентдан сайланган 15 депутат ва Тошкент шаҳар кенгашига сайланган 27 депутат ўз фаолиятлари тўғрисида сайловчилар олдида кўп марта ҳисоб бердилар. Сайловчилар билан 700 дан ортиқ учрашув ўтказилди. Ҳисобот даврида депутатлар номига турли илтимослар ва 3 мингдан ортиқ ариза тушди, уларнинг аксарияти ижобий ҳал қилинди.

Депутатларимиз аниқ ижтимоий аҳамиятга молик вазифаларни ҳал қилишда, шаҳар иқтисодиётини ривожлантириш, аҳолини ижтимоий муҳофазалаш билан боғлиқ амалий ишларда бевосита иштирок этдилар. Оила, хотин-қизлар, ёшлар манфаатларини таъминлашга қаратилган дастурларни амалга оширишда фаол иштирок этдилар, аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бордилар. Бу ишлар янада самаралироқ бўлиши мумкин эди-ю, бироқ, шаҳар партия кенгаши ХДПдан сайланган депутатларни ташкилий жиҳатдан уюштириш, уларнинг фаолиятини йўналтиришга эътибор бермади.

Бу ишларни янада кучайтириш ва такомиллаштириш эҳтиёжи айни пайтда янада кучайди. Олий Мажлис ва маҳаллий ҳокимият органларига навбатдаги сайловлар яқинлашаётгани шуни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий маркази директори, Олий Мажлис депутати, профессор А. Саидов ўз сўзида бир қатор амалий таклифларни баён этди. Жумладан, у ЎзХДПнинг Низоми ва Дастурини такомиллаштириш зарурати туғилганини айтди. Янги ҳужжатда XXI аср вазифалари ўз аксини топиши зарур, деб таъкидлади нотиқ. «Фонон» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори, Олий Мажлис депутати М. Ашуров партия ички интизомини мустаҳкамлаш, унинг тузилмасини такомиллаштириш, бўлажак сайловларга пухта ҳозирлик кўриш ҳақида ўз таклифларини билдирди.

Ҳисобот маърузаси ва нотиқларнинг сўзларида, шаҳар партия ташкилоти ва унинг кенгаши фаолиятидаги ижобий иш тажрибаларини таъкидлаш билан бирга, йўл қўйилган камчиликлар ва фойдаланилмай қолаётган имкониятлар ҳақида ҳам фикр юритилди. Хусусан, мафкуравий ва ташкилотчилик ишлари ҳамма вақт ҳам, шароитга қараб, тез ва соз амалга оширилаяпти, деб бўлмайди. Депутатлар корпуси фаолиятидан ҳали тўлиқ фойдаланилмаяпти. Ёшлар муаммоларини ҳал этишда янги фаол ёндошувлар мавжуд эмас. Бир қатор ўқув юртлари, ижодий муассасаларда партиянинг таъсири сезилмаяпти.

Ички партия интизомини мустаҳкамлаш, партиянинг ёш аъзоларини сиёсий жиҳатдан тарбиялаш, партия ташкилотлари тизимини такомиллаштириш, партия юқори органлари ҳамда шаҳар кенгашининг ўзи чиқарган қарорларнинг самарали бажарилиши устидан назорат ўрнатиш борасида анчагина ишлар ўз ечимини кутиб турибди.

Конференция Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар ташкилоти фаолиятининг келгуси давридаги устивор йўналишларини аниқлаб, республика Президенти И.А. Каримов олиб бораётган ислоҳотлар йўли ва ижтимоий адолат сиёсати теварагида шаҳарликларни жипслаштиришни муҳим стратегик вазифа, деб белгилади.

Конференцияда ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши ҳамда тафтиш комиссиясининг янги таркиби шакллантирилди, у, шунингдек, мазкур кенгашига партиянинг 111 қурултойи ҳамда бўлажак сайловлар муносабати билан тегишли ваколатлар берди.

Конференцияда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби А. Жалолов қатнашиб, ўз нутқида партия аъзоларининг диққатини ташкилот фаолиятининг барча устувор йўналишларини, бўлажак сайловларда иштирок этиш вазифасидан келиб чиқиб, такомиллаштириш, кучайтириш зарурлигига тортди.

***

ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгашининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Унда шаҳар кенгашининг биринчи котиби этиб Л. Ғуломов, иккинчи котиби этиб М. Медведев қайта сайландилар.

Норбобо ШАКАРОВ,
Владимир ГЕРАСИМОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари

Сиёсий маданият ва ислоҳот

Мустақиллик туфайли Ўзбекистонда иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ислоҳотлар билан бир қаторда маданий сиёсатга ҳам алоҳида эътибор берила бошланди. Амалга оширилаётган ислоҳотлар эса кишиларда сиёсий маданиятнинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Дарҳақиқат, жамият аъзоларининг маданий савияси қанчалик юқори бўлса, амалга оширилаётган ислоҳотлар ўзининг ижобий натижаларини шунчалик тез беради.

Аммо, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кишиларда сиёсий маданиятни шакллантириш жуда мураккаб жараён ва бунга бирданига эришиб бўлмайди. Чунки, кишилар турмуш тарзи ва ижтимоий мавқеининг ҳар хиллиги уларда сиёсий маданиятнинг шаклланишига турлича таъсир кўрсатади.

Собиқ иттифоқ даврида эса сиёсий маданият ҳақида фикр юритиш кўп ҳолларда чекланган эди. Чунки, совет халқининг сиёсий маданияти шаклланган, уни қайта кўриб чиқишга ҳожат йўқ, деган хулоса мавжуд эди.

На ўрта мактабларда, на олий ўқув юртларида, на ишлаб чиқаришда кишиларга сиёсий билимлар берилмаганлиги эса сиёсий маданиятнинг пасайишига олиб келди. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейинчи?

«Агар мендан: «Мана шу беш-олти йиллик мустақил ҳаётимиз бизларга нима берди?» деб сўрасалар, мен одамларимизнинг маънавий қиёфаси ўзгарди, уларнинг маънавий бойлиги, миллий онги, сиёсий савияси кўтарилишига эришдик, деб айтардим», — деб таъкидлаган эди Президентимиз. Ростдан ҳам мустақилликдан сўнг кишилардаги лоқайдлик чекина бошлагани, меҳнатга, мулкка бўлган муносабат ўзгара бошлагани бугун ҳеч кимга сир эмас.

Умуман, кишилардаги ҳокимиятга, қонунга, сайловларга, амалга оширилаётган ислоҳотларга, раҳбарларга бўлган муносабатнинг ўзгариши сиёсий маданият белгилари, аслида. Шу ўринда дастлаб кишиларимиздаги сиёсий маданият даражаси мустақилликни мустаҳкамлаш даражасида бўлмаганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. 1992 йилнинг январида талабалар шаҳарчасида содир бўлган воқеаларни, унда ҳокимиятга бўлган муносабатни олайлик. Бунинг ҳаммаси қонунларни билмаслик, унга амал қилмаслик ва сиёсий маданиятнинг пастлигидан нишона эди.

Дарвоқе, ҳуқуқий демократик жамият қуриш йўлидаги ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида ҳуқуқий маданиятни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Сиёсий маданият билан узвий боғлиқ ҳуқуқий маданиятни шакллантириш жараёни ҳам узоқ вақтни талаб этиши эса шу ерданоқ маълум.

Кишиларда сиёсий маданиятни шакллантириш ва ривожлантиришда муҳим роль ўйнайдиган яна битта мезон бор. Бу — динга муносабат. Совет даврида диннинг камситилиши ва чекланиши, динни чуқур биладиганларнинг таъқиб остига олинганлиги, маъмурий буйруқбозлик тузуми сиёсати натижасида ҳар хил хурофий ирим-сиримлар, баъзан жаҳолатпараст удумлар қарор топганлиги ҳаммамизга маълум. Хусусан, дабдабали тўйлар пайдо бўлганини олайлик. Бу камбағалроқ қўшниларга салбий таъсир қиларди, албатта. Яъни, давлат сиёсатига путур етказиш дегани бу. Бугунги кунда эса шундай тегишли чоралар белгиланди. Ахир ота-оналарнинг ўз боласини яхши кийинтириш, яхши овқатлантириш, яхшилик ва эзгулик руҳида тарбиялайдиган ўйинчоқлар ва китоблар олиб бериш ўрнига йиллаб топганини бир кунда сочиши жамият учун қанчалар зиён келтириши мумкин.

Дин кишиларни нафақат эътиқодга, айни пайтда илм олишга, инсонпарварлик, юксак ахлоқлилик кайфиятида тарбиялашга хизмат қилади. Айрим, кишиларда ҳозир Ўзбекистонда динга эътибор кам, уни чеклаш ҳоллари юз бераяпти, деган фикрлар учраб турибди. Аммо мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва унинг натижалари бу фикрларнинг асоссиз эканлигини исбот қилади. Ахир Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳовуддин Нақшбанд, Имом ал-Бухорий ва шу каби ислом дини билимдонларининг асарларига ва таълимотига катта эътибор қаратилмоқда. Ёки Имом ал-Бухорий мажмуасининг қисқа вақт ичида кўзни яшнатадиган қилиб қурилганини қандай баҳолаш мумкин? Мовароуннаҳр мусулмонлари диний уюшмаси ва унинг вилоятлардаги бўлимларининг мамлакатимиздаги демократик ислоҳотларга яқиндан ёрдам бераётганлигини-чи? Бу ташкилот вакиллари матбуот, радио, телевидение имкониятларидан унумли фойдаланиб, ёшларни ёмон йўллардан қайтариш ва инсонийлик фазилатларини такомиллаштиришда фаол иштирок этмоқдалар ва шундай қилишлари лозим ҳам...

Сиёсий маданиятнинг шаклланишида аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳимояланиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Кишилар жамият томонидан ҳимояланар экан, уларнинг илм-фан ва маданиятдан, маънавиятдан баҳраманд бўлиш имкониятлари кенгаяди. Аммо, буюк француз файласуфи Альбер Камюнинг мустақиллик ва унинг аҳамияти ҳақидаги қуйидаги сўзларини ҳам унутмаган маъқул: «Озодлик ҳар кунги оғир ва машаққатли курашлар эвазига қўлга киритилади. Ҳозир эришганларимиз эса ўша мутлақ озодлик йўлидаги мўъжаз босқичлардир холос.

Ҳақиқий озодлик замирида имтиёздан кўра кўпроқ бурч ётади».

Навбатдаги гап маърифат ҳақида. Маълумки, Ўрта Осиё қадимдан маърифат ўчоғи ҳисобланган. 1868 йилги маълумотлар ҳам кутубхоналар сони жиҳатидан Туркистоннинг Россия ва Украинадан кейин учинчи ўринда бўлганлигини тасдиқлайди. Афсуски, бугунги кунда кўп кутубхоналарнинг эшигида қулф турганига дуч келамиз. Бу аҳвол ушбу масалада шошилинч чоралар кўрадиган пайт аллақачон келганлигидан дарак беради.

Кишилар сиёсий маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш омилларидан яна бири — демократик ислоҳотлар натижасида шаклланаётган кўппартиялиликдир.

Эндиги вазифа партияларга Ватан қисматини ўз шахсий қисмати деб биладиган, мамлакатнинг эртаси учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, халқимиз бахт-саодати, демократия ва адолат учун курашадиган, илғор, изланувчан инсонларни бирлаштиришдан иборат.

Аммо, шуни алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, айни пайтда ишлаб чиқилган қонунларимиз бирмунча секинлик билан амалга оширилмоқда, натижада кишилар тафаккуридаги ўзгаришлар анчагина суст кечаяпти. Бу эса сиёсий ва ҳуқуқий маданиятимизнинг секинлик билан шаклланишига олиб келмоқда. Демак, соҳадаги муаммоларни ўз вақтида илғаш, уларнинг ечимини биргаликда излаш лозим.

Акбар ЭШМУРОДОВ,
Қарши Давлат университети аспиранти.



Мамлакатимизда ғалла ўрим-йиғими қизғин паллага кирди. Хусусан, Тошкент вилояти далаларида ана шундай манзарани кузатиш мумкин.

Айниқса, ўрим-йиғим мавсумини уюшқоқлик билан ўтказишда нефть маҳсулотларига талаб ўзгаради. Буни яхши ҳис қилган «Пахтанефть» корхонаси жамоаси ушбу мавсумда ишни уч сменада ташкил этишган.

Сабаби бугунги кунда мазкур корхона биратўла вилоятнинг Чиноз, Янгийўл, Қуйи Чирчиқ, Зангиота ва Тошкент туманлари ғаллакорларига хизмат кўрсатмоқда. Шу боисдан ҳам бу ердан кечаю кундуз мижозларнинг қадами узилмайди. Биргина ғалла мавсуми давомида уларга 10 га яқин турдаги нефть ва нефть маҳсулотлари етказиб берилди.

— Шу пайтга қадар мижозлардан эътирозлар бўлгани йўқ, — дейди корхона раҳбари Толиб Ўрмонов. — Чунки корхонамиз қарийб 100 минг тоннадан зиёдроқ нефть маҳсулотлари сақлаш ва тарқатиш имкониятига эга. Бундан ташқари мамлакатимизга келтирилаётган «Кейс», «Магнум» тракторлари учун алоҳида цистерналар ажратилган. Уларга асосан Бухородаги жаҳон андозалари талабига жавоб берадиган дизель ёнилғилари тарқатилмоқда.

Суратда: 1. Корхонанинг умумий кўриниши. 2. (Чапдан) корхона раҳбари Толиб Ўрмонов ва оператор Темурбек Ғаффорбеков иш устида.

Б. ТУРСУНОВ олган суратлар

Суддан кейинги ўйлар

Фарзанд ҳалок бўлди, она-чи?

Дунёда ҳеч ким «болам»ламасин. Бу қайғу, бу алам, бу доғ ҳеч қачон юракдан кетмайди. Айниқса, ҳали онанинг иссиқ кўчоғидан чиқмаган гўдак бўлса, бу дард онани адойи тамом қилиши ҳеч гап эмас. Ширин, чучук тиллари билан «аяжон»лаб, онасининг этагидан тутиб, ҳовли супирса ҳам, сигир соғса ҳам эргашиб юрган ширинтойи, якка-ёлғиз ўғлидан ажралиб қолсачи?.. Худо кўрсатмасин, уни изоҳлашга қалам ожизлик қилади.

Каттақўрғон туманидаги Навоий хўжалигининг Кадан қишлоғида яшовчи Зумрад Ориповонинг мактуби бизни йўлга чорлади. Дарвозада овозимизни эшитиб, хонадон соҳиби Эркин Қаюмов бизни кутиб олди. Хотини Зумрад ҳам шоша-пиша уйдан кўрпача олиб чиқиб илтифот кўрсатди. Юрак-бағри ўртанган онанинг нолалари кўзидан сел бўлиб қуйиларди. Унга ҳамдардлик билдирдик. Чорпоянинг бир чеккасида ўтирган Дилсўз, Дилнаволарнинг кўзларида ҳам мунг, ҳали укалари Нозимнинг дийдорига тўйиб, мириқиб ўйнаб-кулиб тўймаган соғинчлар армон бўлиб чўккан.

Зумрад кўз ёшларини тиёлмай гапиради: «1998 йил 22 ноябрь, якшанба куни 7 ёшли ўғлим Нозимжонни 14 Д 62-60 русумли оқ «Тико» машинаси уриб кетган. Болагинам молларини ўтлатгани қолдириб, ўзи йўлнинг у бетида келаётган машинанинг ўтишини кутиб турган бўлса керак. Каттақўрғон томондан келаётган машина болагинамни уриб кетиб 40 метргача судраб борган. Болам ўша ерда жон берганми ёки йўлдами, бу ёғини худонинг ўзи билади. Машина ҳайдаб келаётган Худойбердиев Камолиддин ҳамда унинг ёнида ўтирган Бердиев Эркин, Йўлдошев Сайдинлар маст бўлишган. Худойбердиев Камолиддиннинг эса ҳайдовчилик гувоҳномаси ҳам бўлмаган. Машина аслида Бердиев Эркинники экан. Бизга хабар беришганда касалхонага қандай етиб борганимни билмайман, болагинам қизил қонига беланиб ётарди. Бадани ҳали иссиқ эди. Дунёнинг болалик қувончларига, болалик севинчларига тўймаган гўдагимнинг кўзлари эса очиқ қолибди.

Туман касалхонаси жарроҳлик бўлимидаги дўхтирлар боламнинг устига бирорта чойшаб ёпиб қўйишни ҳам лозим топишмабди. Боламни олиб кетай десам беришмади. Ички ишлар бўлимидан вакил келишини кутдик, икки соатлардан сўнг келди. Шундай қилиб молларини боқиб келиш учун ўйнаб-кулиб кетган боламни уйга жонсиз ҳолатда олиб келдим.

Эртаси, 23 ноябрь куни соат ўн бирларда икки нафар милиция ходими ҳамда медэкспертиза ходими келиб, боламни текшириб, ўзлари учун маълумотлар олиб кетишди. Уларнинг хулосаси бўйича болам миясига қон қуйилиши натижасида ҳалок бўлган эмиш. Миясига қон қуйилса қотиб қолмайдими? Ахир бизлар Нозимжонимни уйга олиб келганимизда ҳам қулоғидан тўхтовсиз қон оқиб турган экан. Ё ининг чиллиги эса ушалиб кетган, фақат пайга илашиб қолган эди. Баданлари кўкариб кетган бола кафанлари ҳам қип-қизил қонга беланганича, орзу умидлари ушалмай қора ерга тенг бўлди.

27 ноябрда туман ички ишлар бўлимига бордик. Қотилнинг иши терговчи Қаҳрамон Назаровда экан. У бизни совуқ қабул қилди-да, ҳозир ишим кўп, 3 декабрда келинглар, деди. Бизга эса ҳеч қанақа маълумот бермади.

Орадан ойлар ўтди. Воқеани кўрган одамларни Қаҳрамон Назаровнинг олдига биз ўзимиз олиб бориб гувоҳлик бердирдик. Бу орада қотил очиқда машина ҳайдаб юраверди. Машинани тегишли жойга олиб қўйишмади ҳам. Фақат номерларини олиб қўйишди, холос. Катта йўлга яқин тургандан кейин, хоҳласак-хоҳламасак, ишга борганда, бозорўчарга чиққанда одамнинг кўзи тушади, алам қилади. Кўп сарсон-саргардонликдан кейин 1999 йил 12 январь куни тергов жараёни тугади. Аммо...

Мен 13 январь куни яна ариза билан туман прокурори Зоҳид Мухторовга мурожаат қилдим. У эса ишни муовини Камол Эшноевга топширди. У ҳам бизнинг кўрсатмаларимизни хушламайгина тинглади, фожиани кўрган гувоҳларни чақирмади ҳам. Шу билан иш яна тўхтади. Ноҳақсизликларга чидамай яна прокурорга ёзиб бордим. Бу кўргиликлар ҳам етмагандай, қўл-оёғим тортилиб қоладиган бўлди. Ҳаммасидан ҳам гаплари жон-жонимдан ўтиб кетди. «Ёзсанг ёзавер, ёзиб қаерга ҳам борардинг, ёзиб-ёзиб охири бир кун чарчайсан. Ҳа, энди боланг ўлган бўлса, унга ким айбдор? Ё сенга пул керакми, а? Нега бўлмаса олиб борган пули билан буғдойини олмадинг, яна менинг бошимни қотирасан?» деди у бамайлихотир.

Наҳотки ҳуқуқ ҳимоячиси ҳамма нарсани пул билан ўлчаб бўлади деб ўйласа? Боламни уриб юбориб, касалхонага элтиб қўйгунича қайтиб қорасини кўрсатмаган қотилнинг, наҳотки қўли юзига етмади. Бирор марта келиб кўнгил сўрамади ҳам. Мен ахир боламни пулга сотаманми? Олиб келган буғдойини нон қилиб еганимдан кўра бўғзимга тиқилгани яхши эмасми?

Мен қотил очиқда юргани, ички ишлар ходимларининг вақтида бормаганию, дўхтирларнинг вақтида ёрдам кўрсатмаганларини ёзиб яна прокурор ҳузурига кирдим.

Охири 20 февраль куни суд бўлди. Бор-йўғи бир соат давом этган суд жараёни эса бизга нисбатан адолатсизларча тугади. «Автомобиль фалокати тасодифий ҳол, оғир жиноят ҳисобланмайди. Ўлган ўлиб кетди, қайтиб тирилмайди. Жиноятчининг тўртта боласи бор. Оилада бошқа ишловчи йўқ. Ҳозирги кунда бир бурда нон топиб ейиш қийин. Бизлар ҳаммасини ҳисобга оламиз», деди судда қатнашган прокурор муовини Камол Эшноев. Шундан сўнг суд ҳайъати 5 дақиқа танаффус эълон қилиб чиқиб кетди. Биз ҳайрон қолдик. Кейин тўртта милиция ходими келиб, суд залидан чиқиб туришимизни айтди. Коридорга чиқдик. Аммо, бизни турти-суртиб кўчага ҳайдаб чиқаришди.

Тақдирга тан бериб кўчада кутдик. Бу орада судья Норбўтаевнинг машинасига ўтириб кетаётганини кўриб, югуриб олдига бордик. У бизга:«Кетаверинглар, керак бўлсангиз ўзимиз чақирамиз», деди. Ноилож биз уйимизга кетдик. Эртаси куни бозорга борганлар гап топиб келишди. Кеча суд ҳукми жиноятчининг қариндош-уруғларига ўқиб эшиттирилибди. Бизни эса қайтиб суд залига қўйишмади. Нега?! Қонун ҳаммага баробар бўлиши керакку, деган бир ўкинч, бир армон юрагимни кемирганию-кемирган. Нега биз жабрланувчиларга бунчалик паст назар билан қарашди. Нега? Нега? Нега?!

Онанинг додларидан сўнг ҳужжатларни варақлаймиз. Қотилга 6 йил озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 1 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг олти йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармонининг 6-моддаси «А» бандига асосан унинг ярми қисқартирилиб, уч йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланган. Бу жазодан даъвогарлар норози. Майли, бу ҳам ўз йўлига, суднинг хулосаси шундай бўлган. Ҳали яна кўрилар. Бироқ, муомала-чи? Юраги тўкилиб тушган одамни баттар эзадиган гапларни гапирганлар-чи? Уларни кечириб бўлармикин? Ахир ҳаммамизнинг ота-онамиз бор, Оллоҳ паноҳида асрасину, ҳаммамизнинг ҳам фарзандларимиз бор...

Эркатош ШУКУРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Она тилим — жону дилим

Тил — дарё, дарёмизни асрайлик

Шу йил октябрь ойида халқимиз Она тилимизга Давлат тили мақоми бериш ҳақидаги Қонун қабул қилинган куннинг ўн йиллигини нишонлайди. Бу қутлуғ санани катта ифтихор ва қувонч билан байрам қилади. Чунки, аслини олганда, ҳар қандай истиқлол тил озодлигидан бошланади. Ўз тилида давлатни идора қилиш, эркин гаплашиш, қуйлаш ва ижод қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган ҳеч бир халқ истиқлолга чиқдим дея олмайди. Шу маънода она тилимизга давлат тили мақоми берилган кунни истиқлол ва мустақилликка эришиш йўлида қўйилган энг дадил ва энг шарафли қадам дейишга ҳақлимиз. Албатта бугун, она тилимиз кундалик ҳаётимизда муҳим ўрин эгаллаб, ўз мавқеи, обрў ва эътиборига эришган бир вазиятда бу иш осонгина кечгандек, Давлат тили ҳақидаги қонун осонгина қабул қилингандек туюлади. Ҳолбуки, ўша воқеалар гувоҳи бўлган биздай кўпни кўрган зиёлилар халқимиз кўксини тоғдек кўтарган бу қонунни қабул қилиш жараёни осон кечмаганинг шоҳидимиз. Бу ҳакда ўйлар эканмиз, давлат тили ҳақидаги қонун қабул қилинганда собиқ шўролар ҳукумати ҳали барҳаёт эканини, собиқ компартия ҳали отдан тушмаганини унутмаслигимиз даркор. Бинобарин, собиқ совет империясининг тил сиёсатига зид бўлган, аммо халқимиз асрлар давомида орзу қилган бу қонунни қабул қилишни ўз зиммасига олишга журъат этувчи улкан шахс, мард ва жонкуяр раҳбар лозим эди. Эндиликда ҳаммамиз биламиз, бу жасорат ва масъулиятни ўша кунлар юртимизга биринчи раҳбар бўлиб сайланган, ҳозирги Президентимиз Ислом Каримов ўз зиммасига олганди.

Халқимиз Ислом Каримовнинг бу улуғ ишини ҳеч қачон унутмайди, у тарихимиз саҳифаларига олтин ҳарфлар билан битилади. Бу қонуннинг яна бир сўнмас аҳамияти шундаки, у қоғозда қолиб кетмади, қандай дадил қабул қилинган бўлса, шундай дадиллик билан ҳаётга татбиқ этила бошлади. Шошилмасдан, босқичма-босқич амалга оширилган, юртбошимиз ўзлари ҳамма анжуман ва мажлисларда ўзбек тилида гапириб ибрат кўрсатишлари оқибатида она тилимиз ҳаётимизнинг ҳамма жабҳалари, барча вазирлик ва идораларда ўзига муносиб, мустаҳкам ва устувор ўрин эгаллади.

Нафақат мажлислар, конференциялар, балки идоравий иш юритиш ва ёзишмаларни ҳам ўзбек тилига ўтказиш жараёни амалга оширилаяпти. Айни замонда — она тилимизга Давлат тили мақоми берилган дастлабки йилларда, қалбларимизни чулғаб олган улуғ шодлик устида, бир мунча чалкашликларга, жумладан, собиқ империя даврида тилимизга кириб қолган барча рус сўзларидан (бу ҳолларда байналмилал, яъни, ўзлашма сўзларни рус сўзлари деб тушунган вақтларимиз ҳам бўлди) тозалаш ҳаракатлари авж олди. Ўзлашма атамаларнинг ўрнини босадиган муқобил сўзларни ўз тилимиздан топишга,жилла қурса араб ва форс тилларидан олишга интилиш кайфияти ўса бошлади. Бу салбий жараён ҳар бир тилнинг энг муҳим соҳаларидан бири бўлмиш атамашунослик борасида айниқса, яққол кўзга ташланди. Ўша пайтлари оммавий ахборот воситаларида аэропорт ўрнига тайёрагоҳ, самолёт ўрнига тайёра, газета ўрнига рўзнома, журнал ўрнига ойнома каби атамалар хуруж қила бошлади. Тезда бу ҳаракат тилимизни боши берк кўчага олиб кириши аён бўлди. Оқибатда ҳукумат ҳузурида атамашунослик қўмитасини тузиш зарурияти туғилди. Атамашунослик қўмитаси тавсиялари илмий жамоатчилик назаридан ўтиши, унинг илмий асосларга таяниши лозимлиги уқтирилди. Давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш бўйича Вазирлар Маҳкамаси комиссияси тузилди. Таниқли олимлар, ёзувчилар, тилшунос ва ҳуқуқшунослардан иборат комиссия аъзолари амалиётга жорий этилиши зарур бўлган ҳар бир атамани атрофлича муҳокама қилиб, шундан кейингина уларни матбуотда эълон қилиш тартибини ўрнатди. (Тил қонунининг кейинги таҳририда бу вазифа Олий Мажлиснинг фан, таълим, маданият ва спорт қўмитасига юклатилган). Бу тартибга барча ахборот воситалари амал қилиши шартлиги алоҳида таъкидланди. Бу саъй-ҳаракатлар маълум даражада ўз самарасини берди ҳам. Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурки, Атамашунослик қўмитаси ҳам, Давлат ва Олий Мажлис комиссиялари ҳам ҳеч қачон барча ўзлашма (байналмилал) атамаларни ўз ҳолича қолдиришни тавсия этган эмас. Бильакс, уларнинг маъноларини тўла бера оладиган муқобилларни ўз тилимиздан олиш, бунинг учун эса тилимиз бойлигидан бутун тўлалигича фойдаланиш — ишимизнинг бош йўналиши.

Ҳозирча юзлаб атамалар (область — вилоят, район — туман, гимн — мадҳия, министр — вазир, адрес — манзил, аппарат — девон, приватизация — хусусийлаштириш, либерализация — эркинлаштириш ва ҳоказо) жорий этилди. Бу ерда гап ўзлашма атамаларнинг тўла маъносини беролмаса ҳам уларни албатта ўз тилимиздан топишимиз лозим, деган фикрларга қўшилиб бўлмаслик ҳақида кетяпти, холос. Чунки бу қарашлар бизни паравозни — оташ арава, тракторни — ўт омоч, велосипедни — шайтон арава, деган йиргирманчи йиллар охиридаги хатоларга, яъни олдинга эмас, орқага чорлайди. Биз атамаларни форс ва араб тилларидан олишга (агар улар сунъий ясалмаган бўлса, халқимизга тушунарли ва табиий бўлса) сира қарши эмасмиз. Ахир биз сўнгги йилларда империя даврида тилимиздан чиқарилган муҳаррир, таҳрир, ҳайъат, муаллиф, адлия каби кўплаб араб ва форс сўзларни қайта тикладик-ку. Биз араб ва форс тилларини ҳазрат Навоий ва Бобур, Лутфий ва Саккокий, Яссавий ва Машраб каби улуғ боболаримиз ҳурмат қилганларини, ўз ижодларида бу тиллардан кенг фойдаланганини, зотан, бу тиллардан табиий равишда кириб келган жуда кўплаб сўзлар тилимизни фақат бойитганини яхши биламиз. Аммо бугунги кунда қилинаётган сунъий уринишларга қўшила олмаймиз, холос. Ахир баъзи туппа-тузук олимларимизнинг: «Ўз тилимизда «салями» сўзи туриб нега «фючерс битими», деймиз, нега «қалам» деган сўзимиз туриб, ҳамон «ручка» сўзини ишлатамиз?» дея баланд минбарлардан туриб айтган фикрларига қандай қўшилиш мумкин. Яқинда бу алломалардан бири яна ўша юксак минбардан «тилимизда «муштбоз» ва «муштбозлик» деган сўзларимиз турганда нега «бокс» сўзини ишлатаяпмиз, Атамашунослик қўмитаси қаёққа қараяпти?» дея халққа қараб мурожаат қилдилар. Наҳот бу олимимиз муштбозлик ҳақиқий куч синаш эмас, безориларнинг қонун қоидасиз муштлашиши эканини тушунмаса, «бокс» эса куч синашнинг маданий шакли, жаҳон қабул қилган спортга оид термин эканини англамаса?

Бугун, мустақил мамлакатимиз, юртбошимиз айтганларидек, буюк давлат қуришдек олижаноб мақсад йўлида жаҳоннинг энг илғор давлатлари билан сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаётган бир вазиятда, бутун дунё қабул қилган атамаларни рад этиб, уларнинг маъносини тўлиқ ифода этолмайдиган атамалар «яратиш» йўлидаги уринишлар, энг йирик иқтисодчи олимларимиз тили билан айтганда, бесамар бир ишдир. Фикримизча, биз суюкли она тилимиз ва унинг беқиёс бойликларидан самарали фойдаланган ҳолда, давр талаби билан кириб келаётган байналмилал атамалардан меҳрни бузмасдан оқилона фойдаланса тилимиз бойлигига бойлик қўшилади холос. Чунки бугун, инсоният учинчи минг йиллик арафасида турган бир вақтда, ҳеч бир тил фақат ўз қобиғида ўралиб қололмайди. Бу давр, ҳаёт ва цивилизация талаби. Бу талабни инобатга олган ҳолда Ҳукумат тил комиссияси ва Олий Мажлис қўмитаси тасдиқлаган ва оммавий ахборот воситаларига тавсия этилган, шунингдек, Атамашунослик қўмитаси кўригидан ўтиб, илмий луғатларга кирган байналмилал теминлар, ўзлашма атамалар рўйхатини яна бир бор эълон қилишни лозим топдик. Ўйлаймизки «А» ҳарфидан бошланадиган бу рўйхат оммавий ахборот воситаларида йўл қўйилаётган чалкашлик ва ҳар хилликларга (бадиий адабиёт бундан мустасно, албатта) чек қўяди ва тилимиз равнақига хизмат қилади. Лекин, шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, терминлар, айниқса ўзлашма атамалар бўйича газетада берилаётган тавсияларнинг ҳаммасини ҳам охирги қатъий хулоса дейишдан йироқмиз. Уларнинг баъзиларига вақтлар ўтиши билан ўзбекча муқобил топилиши мумкин бўлар. Ана шундай муқобиллар топилса ва уларни жамоатчилик маъқулласа, уларнинг қабул қилинишига ҳеч ким монелик қилолмайди. Шунингдек, берилаётган рўйхат ва баъзи ўзлашмаларнинг ўзбекча варианти ҳам келтирилган. Улар ҳам келажакда ўзлашма термин англатган маънони ифодалаб, унинг ўрнига ишлатилиб кетиши мумкин.

Тил — обиҳаёт бағишловчи дарё. Дарёмизни кўз қорачиғимиздек асрайлик.

Одил ЁҚУБОВ,
Атамашунослик қўмитаси раиси,
Ўзбекитон халқ ёзувчиси, академик

Русча ёзилиши	ўзбекча қўлланиши (ва манба тиллардаги маъноси)
Абитуриент	**Абитуриент** (лотинча abiturients (abiturientis) — кетмоқчи бўлган киши). Бу терминни «таҳсилталаб» сўзи билан алмаштириш керак деган тавсия тўғри эмас.
Абонемент	**Абонемент** (французча abonnement — бирор нарсадан муайян вақтда фойдаланиш ҳуқуқи. Масалан, кутубхона абонементи). Баъзан бу сўз обуна тарзида берилади. Бироқ обуна «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да газета-журналларга олдиндан ҳақ тўлаб ёзилиш деб изоҳланган.
Аборт	**Аборт**, ҳомилани олдириш (лотинча abortus — бола ташлаш). Тиббий адабиётда асосан аборт тарзида қўлланади.
Абсентеизм	**Абсентеизм**, бош тортиш (лотинча absens (absentis) — қатнашмаётган). Адабиётларда, луғатларда ҳар икки муқобил ҳам ишлатилади.
Авизо	**Авизо** (италянча avviso — билдириш). Молия-банк соҳасида кўп ишлатиладиган термин. Уни «хабарнома» деб бериб бўлмайди.
Авторитаризм	**Авторитаризм** (лотинча auvtoritas — ҳокимият, таъсир). Бу сўзнинг баъзан «якка ҳукмрон» шаклида берилиши термин англатган маънони тўла ифодалай олмайди.
Автобиография	**Таржимаи ҳол**
Автор	**Муаллиф**
Автограф	**Дастхат**
Автономия	**Мухторият**
Автотранспорт	**Автотранспорт** (юнонча avtos — ўзи, лотинча transportare — кўчмоқ, ташимоқ). Баъзилар «автоулов» деб нотўғри ишлатмоқда. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да «улов» — миниб юриладиган ҳайвон деб изоҳланган.
Аграр	**Аграр** (лотинча agrarius — ерга оид). Бу сўзни «деҳқончилиқ» билан алмаштириш керак деган тавсия нотўғри.
Агрессия	**агрессия, тажовуз** (лотинча aggressio — хуруж, ҳужум). Ҳозирги пайтда иккала муқобил ишлатиб келинмоқда.
Агроном	**Агроном** (юнонча agros — дала, nomos — қонун). Бу терминнинг баъзан «ҳосилот» тарзида қўлланиши «агроном» англатган маъно — олий маълумотли қишлоқ хўжалик мутахассиси маъносини бера олмайди.
Акциз	**Акциз** (лотинча accidere — кесмоқ). Бу терминнинг баъзи манбаларда «эгри солиқ» тарзида қўлланиши нотўғри.
Аэропорт	**Аэропорт** (юнонча aer — ҳаво, французча port — турадиган жой). Бу сўзнинг «тайёрагоҳ» тарзида ишлатилиши нотўғри.

Якдиллик билан қабул қилинди

БМТ Бош котиби Кофи Аннан Халқаро меҳнат ташкилоти Бош ассамблеясининг Женевада бўлиб ўтган йиллик сессиясида 174 давлат вакиллари томонидан оғир ишларда болалар меҳнатидан фойдаланишни тақиқловчи конвенция якдиллик билан қабул қилинганидан мамнуният билдирди.

К.Аннаннинг таъкидлашича, айни пайтда сайёрамиздаги миллионлаб болалар оғир меҳнатга, шунингдек, қуролли можароларга ҳам жалб қилинмоқда. Мазкур конвенция бу муаммонинг олдини олиш борасидаги энг кучли қадамлардан бири бўлади.

Жиддий ташвиш

БМТ Бош котиби Кофи Аннан 14 июнь куни Тоғли Қорабоғда юз берган қуролли тўқнашув муносабати билан жиддий ташвиш билдирди. У Арманистон ва Озарбойжонни ўзаро куч ишлатмаслик ҳамда мавжуд келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал этишга чақирди. Шунингдек, БМТ раҳбари низолашаётган томонлардан 1994 йилда эришилган Тоғли Қорабоғда

қуролли тўқнашувни тўхтатиш тўғрисидаги шартнома талабларига қатъий риоя қилишни сўради.

Вазирлар даражасидаги учрашув

Жанубий Африка тараққиёти ҳамжамиятига (ЖАТҲ) аъзо мамлакатлар раҳбарларининг Конго Демократик Республикасидаги (КДР) қуролли қарама-қаршиликни тўхтатиш бўйича ҳамкорликни давом эттириш масалаларига бағишланган учрашуви бўлиб ўтди. Жанубий Африка Республикаси, Зимбабве, Намибия, Ботсвана, Уганда ва Замбия президентлари, шунингдек, КДР ҳукумати ҳамда Африка бирлиги ташкилоти вакиллари Лусакада (Замбия) ЖАТҲга аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирлари даражасида музокара олиб бордилар.

Янги президент сайланди

Латвия тарихида биринчи марта аёл киши - Вайр Вике-Фрейберг мамлакат президенти этиб сайланди. Унга Латвия Сейминиг 53 депутати овоз берди. Давлат раҳбари этиб сайланиш учун 51 овоз тўплаш кифоя эди, деб хабар тарқатди РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси.

Президентликка мустақил равишда ўз номзодини илгари сурган Вайр Вике-Фрейнберг атиги бир йил олдин Латвия фуқаролигини қабул қилган. Унгача у Канадада яшаб, Монреаль университетида психологиядан дарс бериб келарди.



Америка Қўшма Штатлари узра энг биринчи истеҳкомлар қаторига кирувчи «Қадимгилар» — Анасазиларнинг жар ёқасига қурилган уйи. Уларнинг авлодлари Хопи, Зани ва ўзга ҳинд қабилалари бўлиб, ҳозирги кунда улар Колорадо, Нью-Мексико ва Аризона штатларида яшамоқда.

Жан-Клод Ван Дамм ўз хотинига уйланади

Хайрон қолаётган бўлсангиз керак: «Ўз хотинига-я?!» деб. Ҳа, айнан шундай, ўз хотинига яна уйланади.

Парижликлар яхши эслашади: Парижнинг ҳашаматли «Риц» меҳмонхонасида бельгиялик таниқли актёр, кик-боксинг қироли Жан-Клод Ван Дамм билан унинг иккинчи хотини Дарси Лапиернинг урушиши қанчалик «дабдабали жанг»га айланиб кетганини. Ўшандан бери актёр хотинидан бекиниб Бельгиянинг тунги барларида ўзининг қўриқчилари билан кайфу сафо қилиб юрди. Бироқ кейинги пайтда актёр анча қуйилиб қолди ва ўзининг аввалги хотини Глэдис Португэз билан яна тил топишди. Энди улар 26 июнда тўй қилишмоқчи.

— Биз Америкада эмас, Европада никоҳ ўқитмоқчимиз, — дейди актёр. — Чунки туғишганларимнинг барчаси ўша ерда. Айниқса, 94 ёшли бувим бизнинг қайта турмуш қурганимизни кўриб жуда хурсанд бўлади.

Ван Дамм билан Глэдиснинг аввалги турмушларидан икки нафар фарзанди бор: 12 ёшли Кристофер ва 8 ёшли Бланка. Бундан ташқари Дарси Лапиер ҳам Ван Даммга бир ўғил туғиб берган. У ҳозир 3 ёшда.

Собиқ ва шу билан бирга бўлажак эрхотинлар АҚШда, ўзининг уйида — Лос-Анжелесдан 30 километр наридаги Шастфорседа яшашмоқчи. Улар ажрашгунча 6 йил шу уйда умргузаронлик қилишган.

«Глэдис билан ажрашаётганимда хатога йўл қўяётганимни билганман. Фақат бўйин ён бермаган. Чунки уни тан олгим келмасди, — дейди Жан-Клод. — Биз яхши яшадик. Фақат унга етарли баҳо бера билмадим. Ёшлик қилган эканман. Нимаям қиламиз, хатолар инсонга сабоқ беради, дунёда яхши-ёмоннинг фарқига етадиган бўламиз.

Биз ажрашишгач, ўзаро алоқани умуман узиб қўймадик. У менга эркинлик берди. Энг асосийси мен у билан яшаганимда ўзимни қулдек сезмасдим. Озодликдаги бургутдек юрардим. Тўғри, унинг ўрнида бошқа хотин бўлгандаям ўзимни бургут мисол сезардим, фақат қафасдагидек».

Улар бир-бири билан Мексиканинг Канкун сиҳатгоҳида танишишган. Ўша пайтда Жан-Клод модаларни намойиш этарди. Глэдис эса фотомода билан шуғулланарди. Улар учрашишдан аввал Ван Дамм Бельгиядаги журналлардан бирида Глэдиснинг суратини кўрган ва юрагида ошиқлик оташи жиз этган эди, десак муболаға эмас. Шунинг учун ҳам актёр Глэдис билан биринчи учрашувни тасодифий деб ҳисобламайди.

Ван Дамм Европадан Америкага илк боришида менга тез омад кулиб боқади, деб ўйлаганди. Йўқ, бундай бўлмади. У ўз мақсадига етишиш учун, яъни бугунги Ван Дамм бўлиши учун жуда кўп машаққатлар чекди. Ва ҳеч қачон иродасизлик қилмади.

АҚШда дастлаб у туғишганлар ва дўстлар меҳрига ташна бўлиб юрди, бу ҳам етмагандек, ўз мамлакати маданияти уни жуда соғинтирди. «Бироқ аста-секин ўз уямни қура бошладим ва энди аниқ айта оламанки, мен барча нарсага АҚШда эришдим», дейди актёр.

Ҳозир у бир йилгача фильмларда суратга тушмасликка, руҳан дам олишга аҳд қилган. Негаки, кейинги йилларда кетма-кет жуда кўп фильмларда суратга тушган. Шунинг учун бўлса керак, барча фильмлар бир-бирига ўхшаб қолаётганини ўзи ҳам тан олмоқда. Эндиликда Жан-Клод Ван Дамм фақат жисмоний куч ишлатиладиган фильмларда эмас, балки маънавий куч-қудрат талаб этиладиган ролларда ҳам ўзини синаб кўрмоқчи.

Умматали ТЎРАХОНОВ тайёрлади

Сиёсий шарҳловчи нигоҳи

Кашмирда яна уруш

Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги тарихий Кашмир можароси яна бошланди. Ҳимолай ва Тибет тоғларини туташтирувчи гўзал адирларда жойлашган бу маконда яна ўқлар овози янграб, совуқ ва таҳликали уруш талвасаси кезаётир. Кашмир бугунга келиб нафақат ўзининг бетакрор табиати билан, балки Ҳиндистон ва Покистон ўртасида уч марта урушга сабаб бўлган можароли бир макон сифатида ҳам кўпчиликка таниш жой бўлиб қолди. Хуллас, Кашмир даъвоси эндиликда ўта хавфли муаммога айланди, чунки унинг орқасида турган ҳар иккала давлат ҳам ядро қуролига эга эканлиги бизга маълум. Ўтган йилнинг май ойида ўтказилган мазкур қуроллар синовлари буни очиқ-ойдин кўрсатди.

Расман Жамму ва Кашмир штатининг умумий майдони 222 минг квадрат километрни ташкил қилади ва унинг 150 минг кв. километри Ҳиндистон назоратида бўлса, 70 минг кв. километри Покистон назоратидадир. Маълумки, 1947 йилда «Британия Ҳиндистони»дан Покистоннинг ажралиб чиқиши ва Ҳиндистон мустақиллигидан кейин икки ўртада келиб чиққан ҳудудий уруш натижасида Жамму ва Кашмир иккига бўлиниб қолган эди. 1948 йилнинг август ва 1949 йилнинг январь ойларида БМТ томонидан қабул қилинган резолюцияга кўра янги назорат чизиғи белгиланиб, икки ўртадаги ҳарбий келишмовчиликка вақтинча барҳам берилган эди. Бу қўшни давлатлар ўртасида 1965 йилда бошланган иккинчи қуролли тўқнашув эса халқаро ҳамжамият аралашуви билан 1966 йилда мамлакатимиз пойтахтида имзоланган Тошкент декларациясига асосан тўхтатилган эди. Аммо Кашмир устида кечаётган мунозара бу билан ҳам тўлиқ якун топмади. 1971 йилда Ҳиндистон ва Покистон ҳукумати бу ҳудуд устида учинчи бор уруш олиб борди. Шундан бир йил ўтиб, Шимлада икки томонлама муносабатлар тўғрисида янги битим имзоланди. Ва шу йилнинг 26 май кунигача ўртада бир қадар тинчлик ҳукм суриб келди. Бир қадар дейишимизнинг боиси шундаки, умуман ўтган ярим асрдан кўпроқ вақт мобайнида Кашмир тортишуви туфайли ҳар йили бир неча юзлаб ҳинд аскарлари ҳамда айирмачи-жангарилар ҳалок бўлиб келмоқда. Маълумотларга кўра, Кашмир можароси туфайли шу кунга қадар ҳар икки томондан 25 мингдан ортиқ одам ҳалок бўлган. Сўнгги хабарларга кўра, бу галги тўқнашув ўтган 30 йил мобайнидаги энг йирик можаро бўлиб, у бошлангандан бери уч юзга яқин аскар ҳалок бўлган ва 100 мингга яқин маҳаллий аҳоли қочоқларга айланган.

Бу гал мазкур зиддиятнинг яна кенг қамровли ҳарбий келишмовчиликка айланишига эса, Ҳиндистон ҳукуматининг билдиришича, «юзлаб ҳарбий жангарилар ва афғонистонлик ёлланма кучлар»нинг Ҳиндистон назоратидаги Каргил тоғ ҳудудида ўнлаб тепаликларни эгаллаб олишлари сабаб бўлган. Чунки Каргил туманидан Ҳиндистон учун стратегик аҳамиятга эга бўлган ягона йўл ўтган. Шу йўл орқали Ҳиндистон Сиачин музлиги атрофидаги ўз қўшинларини таъминлаб туради ҳамда Қорақурум довонига чиқади. Бундан ташқари Қорақурум довони Ҳиндистоннинг Хитой ва бошқа Шарқ мамлакатлари билан алоқаларида муҳим аҳамият касб этади. Бунга қарши Ҳиндистон қуролли кучлари 26 майдан бери айирмачиларнинг Покистон қароргоҳларига ҳужумлар уюштириб келаяпти. Покистон томони эса Деҳли маъмуриятини зудлик билан ҳаво ҳужумларини тўхтатишга чақирди. Шунингдек, Покистон Бош вазири Навоз Шариф Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Кофи Аннанга мурожаат қилиб, минтақадаги зиддиятни ўрганиш учун халқаро кузатувчилар шошилинч жўнатилишини сўраган эди. Аммо жаноб Кофи Аннаннинг минтақадаги вазиятни холис ўрганиш учун Ҳиндистон, Покистонга ўз вакилини юбориш таклифини Ҳиндистон Бош вазири рад этди. Унинг фикрича, муаммо фақат икки давлат ўртасида ҳал бўлади. Бироқ муаммони худди шундай йўл билан ечиш юзасидан икки мамлакат ташқи ишлар вазирларининг Деҳлидаги учрашуви ҳеч қандай самара бермади.

Бир жиҳатдан шу йилнинг февралида Ҳиндистон Бош вазири Атал Биҳари Важпаининг Покистонга, Деҳли ва Лаҳор ўртасида илк марта автобус қатнови бошланишида уюштирган рамзий сафари ва Лаҳорда Покистон Бош вазири Навоз Шариф билан ўтказган музокаралари бу мамлакатларнинг ўзаро ташқи сиёсатида мисли кўрилмаган юксалиш бўлган эди. Аммо Жанубий Осиёдаги йирик қўшни мамлакатлар муносабатларидаги айни кўтаринкилик ҳавоси яна эски можаронинг зардоби билан заҳарланди. Чунки Лаҳор учрашувида ҳам ўртадаги ҳамкорлик муносабатларининг бошқа томонлари гарчанд кенгроқ муҳокама этилган бўлса-да, унинг Кашмирга тегишли қисмида яна «тил топишиш»га эришилмади. Шундай бўлгач, ўртадаги музокараларни муваффақиятли ўтган эди, деб бўлмайди. Бу ҳол яқиндагина музокара ўтказган давлатларнинг нега кўп ўтмай яна келишмай қолганлигининг туб сабабларидан биридир, десак янглишмаймиз. Покистон Ҳиндистонни салкам 9 миллионлик нуфусга эга Кашмирга ўзини-ўзи бошқариш имкониятини беришдан бош тортаётганликда айбласа, Ҳиндистон Покистон ҳукуматини Кашмир айирмачиларини ҳарбий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда айблаяпти. Бундан кўринадики, Кашмир муаммоси ҳал бўлмас экан, Ҳиндистон ва Покистон муносабатлари қил устида қолаверади. Лекин бу муаммо ҳал бўлармикан? Унга қандай ечим топиш мумкин?

Сиртдан қараганда, Жамму ва Кашмирга ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқи ёҳуд мухторият бериш билан қирқ йиллик ҳудудий можаро барҳам топадигандек кўринади. Халқаро кузатувчиларнинг фикрича, бунинг бошқа бир хавфли томони ҳам бор. Яъни, Кашмирга айни мақом берилган тақдирда штат аҳолисининг хилма-хил этник гуруҳлардан ташкил топганлиги ва шу каби бошқа ижтимоий омиллар Жанубий Осиё минтақасида ҳам Афғонистон, Тожикистон ёҳуд Жазоирдаги каби яна бир этник зиддиятлар ўчоғи пайдо бўлиши хавфини юзага чиқариши мумкинлигини ҳеч ким инкор этолмайди. Россиянинг «Независимая газета»сида ёзилишича, бугунги кунда Покистоннинг нафақат Кашмир айирмачиларини, балки Афғонистондаги Толибларни ҳам ҳарбий, техник жиҳатдан ва озиқ-овқат билан таъминлаб турганлиги, уларни ўз ҳудуди ҳамда назоратидаги чегаралардаги махсус лагерларда ўқитиб, ҳарбий тайёргарликдан ўтказаётганлиги кўпчиликка аён. Лондонда чоп этиладиган «Индепендент» газетасида ёзилишича, Покистон назоратидаги биргина Кашмир ҳудудида афғон ва араб жангариларини тайёрлайдиган 40 дан ортиқ ҳарбий-амалиёт лагерлари мавжуд.

Бу мисоллар Кашмир можаросининг ортида ҳам, унинг асос-замирида ҳам маълум гуруҳларнинг аниқ мақсадлари ётганлиги, кашмирликлар тақдирида, балки бугунги дунёда худди шундай манфаатларга қурбон бўлаётган миллионлаб инсонлар тақдирида ҳам шундай зиддиятларнинг қайноқ ўчоғига ёғ сепиб тургувчи кучларнинг қўли борлигидан далолат беради.

Бир сўз билан айтганда, шу кунларда Ҳиндистон ва Покистон ўртасида «урушга яқин танг вазият» вужудга келди. Ҳамма гап ўзаро тил топишиш ва сиёсий муроса — дипломатия йўли билан бу тангликдан чиқишда. Чунки Косово сценарийси Кашмирда такрорланмайди, деб ҳеч ким кафолат беролмайди. Фақат Кашмир фожиасининг даҳшатли томони шундаки, унинг орқасида турган икки қудратли давлат ҳам ўта хавфли бало — ядро қуролига эга, боз устига бу давлатлар бизга яқин минтақада, Осиёда жойлашган. Шу нуқтаи назардан қараганда, мамлакатимиз аҳли бу муаммонинг ўз ўрнида сиёсий муроса йўли билан ҳал этилишидан манфаатдор.

Алишер ШОЙИМОВ

Пешқадамнинг мағлубияти

SPORT

Мамлакат биринчилигининг олий лигасида иштирок этаётган жамоалар биринчи давра ўйинларини якунлашди. Сўнгги турда пешқадам — Тошкент вилоятининг «Дўстлик» жамоаси «Нефтчи» майдонида йирик ҳисобда мағлубиятга учради (0:3). Лекин бу мағлубият жамоанинг пешқадамлик мавқеига таъсир қилмади. Чунки, «Самарқанд» жамоаси «Темирйўлчи» билан бўлган учрашувда дуранг (0:0) билан кифояланди. «Навбаҳор» эса ўз майдонида «Тракторчи»ни 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. «Хоразм» эса «Янгиер» майдонида муҳим ғалабага (2:1) эришди. «Насаф» футболчилари «Бухоро» майдонида йирик ҳисобда (1:5) мағлубиятга учради.

Ушбу турда «Пахтакор» футболчилари «Сурхон» устидан 6:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Умуман олганда кейинги турларда пахтакорчилар анча жонланиб қолишди. Агар иккинчи даврада янги мураббий Александр Иванков раҳбарлигида астойдил ҳаракат қилишса, пешқадамлар қаторига ҳам қўшилишлари ҳеч гап эмас. Турнир жадвалининг сўнгги ўринларида бораётган жамоалар яна мағлубиятли серияни давом эттиришди. Шу боис ҳам улар ўз жойларида «мустаҳкам» туришибди. Энди турнир жадвалига эътибор қилинг:

Командалар	очко
1. «Дўстлик»	37
2. «Самарқанд»	36
3. «Навбаҳор»	27
4. «Нефтчи»	26
5. «Хоразм»	26
6. «Пахтакор»	23
7. «Металлург»	23
8. «Бухоро»	22
9. «Насаф»	22
10. «Темирйўлчи»	20
11. «Трактор»	19
12. «Сўғдиёна»	17
13. «Зарафшон»	14
14. «Андижон»	13
15. «Сурхон»	11
16. «Янгиер»	8

Жаҳон бозорига ойдин йўл

Бугунги кунда республикамизда қўшма корхоналар фаолияти анча жонланмоқда. Ана шулар сирасига Туркиянинг «Бурсел» компаниясига қарашли қўшма корхоналарни мисол қилиш ўринлидир.

«Бурсел» компанияси ўз фаолиятини 1986 йилда Туркиянинг Истанбул шаҳрида бошлаган эди. Бугунги кунга келиб эса мазкур компания негизида «Бурсел-кимё», «Бурсел-транспорт», «Бурсел-қурилиш», «Бурсел-иншоот» ҳамда «Бурсел-тўқимачилик» қўшма корхоналари ташкил топди. Булар ўзаро бирлашдилар. Масалан, биргина «Бурсел-кимё» корхонаси бир йилда 100 миллион долларлик кимёвий моддаларни экспорт - импортга ҳозирлайди. Шунингдек, «Бурсел-транспорт» қўшма корхонаси эса денгизда савдосотиқ ишларини юргизади ва ҳоказо.

Компания ҳозирги кунда ривожланиб, 50 дан ортиқ давлатлар билан ҳамкорлик битимларини имзолади.

Маълумки, мамлакатимиз пахта етиштириш бўйича жаҳонда етакчи ўринлардан бирида туради. Шу боисдан ҳам мустақиллик йилларида ватанимизда тўқимачилик ва енгил саноат тизимлари ривожланди. Республикамизда «Бурсел» компанияси билан ҳамкорликда шу йўналишда, яъни пахта хомашёсидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қўшма корхоналари барпо этилди ва ҳозирда улар ўз фаолиятларини давом эттирмоқдалар. Фикримизнинг далили сифатида Наманган вилоятида «ТСБ-ПОП» ҳамда «ТСБ-Чодак», «Ахсикент» деб номланган қўшма корхоналар фаолият кўрсатаётган бўлса, Тошкент вилоятининг Тўйтепа шаҳрида «Тўйтепа» ҳамда Бухоро вилоятининг Шофиркон туманидаги «Бобур» номли жамоа хўжалиги ҳудудида «Варзонзе» деб номланган корхоналар ишлаётганини қайд этишимиз мумкин.

Уларнинг асосий вазифалари эркаклар кўйлаклари, ички трикотаж буюмлари, эркаклар ҳамда болалар пайпоқлари ишлаб чиқаришдан иборатдир.

Туркиялик мутахассислар бир неча ой ичида ускуналарни ўрнатиб, газламаларни бичиш ва сифатини белгилаш цехларини ҳозирладилар, лента кесадиган махсус пичоқлар, газлама тўшайдиган машиналар ўрнатилди. Бу ускуна ва мосламалар Испанияда ишлаб чиқарилган. Ҳар бир ишлаб чиқариш корхонасига Японияда ишлаб чиқарилган энг сўнгги ютуқларни ўзида мужассамлаштирган «Брозер» русумли компьютер дастурли тикув машиналаридан 120-150 донадан ўрнатилди.

—Компьютер дастурлар меҳнат унумдорлигини МДҲ мамлакатларидагига нисбатан уч марта оширади, буюмларни сифатли қилиб тикади, тайёрланадиган маҳсулотларнинг нусхаларини хилма-хил қилиш имконини беради, уларнинг рақобат бардошлигини таъминлайди.

Айни пайтда эса корхоналарда эркакларнинг ички кийимларини тикиш учун қўшимча ишчи гуруҳлари тузилмоқда.

Қўшма корхоналар лойиҳадаги қувватни тўла ўзлаштириб, ишни икки сменада олиб боришни йўлга қўйди. Бу эса маҳсулот ишлаб чиқаришни 2 марта ошириш, қўшимча иш ўринлари ташкил этиш имконини бермоқда. Яна шуни таъкидлаб ўтиш ўринлики, Ўзбекистонда биринчи марта қўшма корхона тикув цехларида электрон дастурли мосламаси бўлган машиналар ўрнатилди. Бундай машиналарни Япония — АҚШ — Испания — Туркия биргаликда ишлаб чиқарган. Ҳар бир машина муайян иш турига — чоклар, узмалар, ёқалар ва бошқа ишловлар бериш, тугмаларни қадаш, чўнтакларни ўрнатиш ва ҳоказо жараёнларни бажаришга мослаштирилган.

Ўзбекистоннинг бир қатор вилоят ва туманларида «Бурсел»нинг шаҳобчалари вужудга келмоқда. Бундай қўшма корхоналар учун Туркиядан ускуналар, анжомлар, эҳтиёт қисмлар етказиб берилмоқда. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар асосан, мамлакатимизда тайёрланаётган хомашё ҳисобига бўлмоқда. Икки мингинчи йилга бориб, «Бурсел» билан ҳамкорликда ташкил этилаётган қўшма корхоналар сони 10 тага етади.

Бухородаги «Варзонзе» қўшма корхонаси ҳам 1994 йилда турк ишбилармонлари билан ҳамкорликда барпо этилган эди. Шу ўтган қисқа вақт мобайнида корхонада эркаклар кўйлаклари, болалар ва эркаклар пайпоқлари, турли хил коржомалар, тиббиёт халатлари ва жами 18 турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, ички бозоримизни тўлдирмоқда.

— «Варзонзе» қўшма корхонаси қишлоқ хотин-қизларини иш билан таъминлаш мақсадида барпо этилган қалдирғоч корхоналардан биридир, — дейди қўшма корхона раҳбари Қиёмиддин Қўлдошев. — Бугунги кунда мазкур даргоҳда 156 нафар хотин-қиз фаолият кўрсатмоқда. Корхонамизнинг асосий таъсисчилари Шофиркон туманидаги «Бобур» номли жамоа хўжалиги ва Туркия томонидан «Бурсел» компанияларидир. Ҳозирда тушаётган даромаднинг 69,9 фоизи жамоа хўжалиги ҳисобига, қолган 30,1 фоизи эса Туркия ҳисобига бўлмоқда. Корхонанинг Низом жамғармаси 3 миллион 5 минг АҚШ доллари миқдорида қайд қилинди. Бугунги кунда тикув цехимизда Японияннинг энг илғор «Брозер» русумли тикув машиналаридан 150 тасини ўрнатганмиз. Худди шунингдек, пайпоқ тўқиш цехимизда ҳам Японияннинг «Икенага» русумли 10 та тўқув дастгоҳлари ишлатилмоқда. Сифатли, бежирим пайпоқлар эса ички бозорларимизда харидоргирдир.

Тўғри, «Варзонзе» қўшма корхонаси ҳам ички имкониятлардан тўла фойдаланиб, буюртмалар асосида харидоргир моллар ишлаб чиқараяпти, аммо бу маҳсулотларнинг ҳаммаси ҳам четга йўналтирилмаяпти. Бунинг асосий сабаби нимада? Масалан, биргина пайпоқ учун нейлонли резина ип ҳамда чўзилувчан резина маҳсулотлари Туркиядан келтирилмоқда. Маҳсулот бежиримлигини таъминловчи матоҳлар ҳам. «Шуни наҳотки ўзимизда тайёрлашнинг имкони йўқ?» — сўраймиз қўшма корхона раҳбаридан.

— Ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизни жаҳон бозори андозаларига мослаш мақсадида яқинда корхонамиз қошида «упаковка-ўров» цехини ташкил қилмоқчимиз.

Ҳозирда Туркиянинг «Бурсел» компанияси Японияннинг дунёга машҳур «Мицубиси Корпорейшн» компанияси билан ҳамкорликда Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳрида «Оқсарой-тўқимачи» ҳамда Тошкент вилоятининг Чиноз туманида «Чиноз-тўқимачи» қўшма корхоналарини барпо этишга киришдилар.

Японияннинг экспорт-импорт банки «Эксимбанк» раҳбари Х. Ясуданинг яқинда мамлакатимизга ташрифи ҳам «Чиноз тўқимачи» қўшма корхонасини барпо этишга қаратилган эди. Ўзбекистон миллий банки ҳамда Японияннинг экспорт-импорт банки ўртасидаги кредит битими ҳақидаги шартномага мувофиқ, Япония экспорт-импорт банки 5 миллиард 700 миллион япон иенаси (47 миллион АҚШ доллари) миқдоридаги сармояни «Чиноз-тўқимачи» қўшма корхонасига замонавий дастгоҳлар билан таъминлаш мақсадида ажратди.

Тошкент вилоятининг Чиноз туманида барпо этилаётган мазкур корхонага ўзбек-япон-турк инвестициялари жалб қилиниб, йилига 5 минг 300 тонна калава-ип ва 2500 тонна трикотаж полотноси ишлаб чиқарилади.

Мазкур корхона таъсисчилари Японияннинг «Мицубиси Корпорейшн» ҳамда Туркиянинг «Бурсел» компаниялари, «Ўзбекенгилсаноат» ҳиссадорлик уюшмаси, «Ўзенгилсаноатинвест» акционерлик компанияларидир.

Шаҳрисабздаги «Оқсарой-тўқимачи» қўшма корхонаси ҳам йилига 4800 тонна калава ип ҳамда 2 минг тонна трикотаж полотноси ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Ушбу корхона таъсисчилари Шаҳрисабздаги «Садо» ҳиссадорлик жамияти, Японияннинг «Мицубиси Корпорейшн» ҳамда Туркиянинг «Бурсел» компанияларидир.

Агар мазкур икки қўшма корхона ишга тушса, «Бурсел»нинг қўшма корхоналари ўз маҳсулотларини тўғридан-тўғри четга чиқаришга имкон яратилади.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

Лўқма

«Қўшиқ айтадиган» телефонлар

Термиз шаҳрида телефон алоқа хизмати кўрсатиш сифати кейинги йилларда бироз яхшиланди. Масалан, «3» рақамли телефон нуқталари «2»га, «4» билан ишлайдиганлари, «5»га алмаштирилди.

Бундан ташқари, «07» хизматида ишлайдиган алоқачи қизлар баъзан ўзбекча ҳам гапиришяпти.

Энг муҳими, Термиз телефон алоқа хизмати корхонаси бошлиғи Собир Бадалбоев эски янгиликни ялпи жорий қилган: яъни, шаҳардаги телефон гўшакларини қулоққа тутган одам «Шарқ куйлари»дан концерт эшитиш имконига ҳам эга бўлади. Шу боис, термизликлар радио эшитгилари келса, (уйдами, ишдами фарқи йўқ!) телефон гўшагини қулоқларига тутсалар бас, куй-қўшиқлар радиодан ҳам тиниқ эшитилиб туради.

Ҳа, «ихтирочи» Собир Бадалбоевдек алоқа хизмати жонкуярлари бор экан, телефонларимиз тез-тез ишламай хуноб қилса-да, лекин унда куй-қўшиқлар эшитиб, дам оламиз, дейди термизликлар.

Ишқилиб, Термизда телефон тармоғи яна да такомиллаштирилиб, унда телевизор кўрсатувлари ҳам намойиш этиладиган бўлса, кўрасиз томошани!

Абдурасул ЖУМАҚУЛ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43
Факс — 133-38-55, 133-47-80, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-12-56;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир Қўчқор НОРҚОБИЛОВ, навбатчи Шукур ЖАББОРОВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ФАЙЗУЛЛАЕВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида. А—2 форматда. 23.819 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г —0440

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Хизмат этикасининг алифбоси

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг доценти, фалсафа фанлари номзоди Н. Муҳаммадиевнинг «Ички ишлар идоралари ходимларининг касб этикаси ва эстетик маданияти» номли дарслиги профессор У. Тожихоновнинг масъул муҳаррирлигида нашр этилди.

Ушбу дарсликда ички ишлар идоралари ходимларининг касб ахлоқи ва эстетик маданиятининг вужудга келиши, ўтмишдаги аждодларимизнинг ахлоқ-одоб ҳақидаги фикр-мулоҳазалари, айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг муомала маданияти, хусусан тергов фаолиятининг ахлоқий-маънавий муаммолари, касбий бузилишнинг келиб чиқиш сабаблари ва уни бартараф қилиш йўллари, шу билан биргаликда, жиноятчилар дунёси, унинг турлари, инсониятга зид бўлган ғайриахлоқий дунё, ички ишлар идоралари ходимларининг ахлоқий танлови, профессионал таваккалчилиги муаммолари баён қилинган.

Муаллиф касб ахлоқининг шаклланиш жараёнини, унинг жамият тараққиётида тутган ўрнини аниқ, содда, лўнда қилиб ишонарли фикр-мулоҳазалар билан баён этган.

«Касб ахлоқи, — деб ёзади муаллиф, — жамият томонидан қабул қилинган ахлоқ қоидаларини кишиларнинг ихтисосларига нисбатан амалда татбиқ қилувчи аниқ касбий бурч, шаън, ор-номус, қадр-қиммат каби хатти-ҳаракатларнинг мажмуи, умумий ахлоқнинг кицилар касб-коридаги ўзига хос кўринишидир».

Муаллифнинг катта хизматларидан бири унинг ҳаёт тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳамда Президентимиз ўгитларига таянган ҳолда ички ишлар идоралари ходимларининг аҳоли билан муомала қилиш маданияти қоидаларини, яъни аҳоли билан саломлашиш, уларни қабул қилиш, дардларига малҳам топиш, чет эл фуқаролари билан қандай муомалада бўлиш каби ахлоқий муносабат масалаларини тўлиқича ёритганлигидадир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни енгил кечмайди, албатта. Баъзи бир жиноятчи гуруҳлар ғайри қонуний тарзда халқнинг мулкини ўмариб бойлик ортиришни ўзига касб қилиб олишлари шубҳасиздир. Ана шундай бир шароитда жиноятчилар дунёси вужудга келади, жиноятчиликни ўзига касб қилиб олган одамлар пайдо бўлади. Шуни назарда тутган муаллиф уларнинг ахлоқий жиҳатдан бузуқ бўлган қонуниятларини очиб беради.

Дарсликни варақлар эканмиз, муаллифнинг катта ҳаётий тажрибага суянган ҳолда ички ишлар идоралари ходимларининг касб этикаси принциплари — ватанпарварлик, қонунийлик, адолат, инсонпарварлик, жамоатчилик ва ҳоказолар асосида ўз фаолиятларини ташкил қилиш заруратлари мисоллар асосида ишонарли қилиб ёзилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Дарсликда ички ишлар идоралари ходимлари касб ахлоқининг моҳияти, таркибий тузилиши, соҳалари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида баҳс юритилар экан, шу баробарда ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳақидаги Амир Темур, Алишер Навоий, Низомулмулк, Маргилоний каби буюк аждодларимизнинг таълимотлари ҳам содда, равон, қизиқарли қилиб баён қилинган.

Дарслик Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги олий ўқув юртларининг ўқитувчи ва талабаларига, илмий ҳамда амалиётчи ходимларига мўлжалланган бўлсада, ундан мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртлари ўқитувчилари, талабалари ва кенг жамоатчилик ҳам фойдаланишлари мумкин.

Маъмуржон НИШОНОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

Сакрабодом санамлар

Ҳурлиқони кўрганмисиз? Кўп кўргансиз, улар сўзсиз жозибали аёллар... Яъни, тундек қора сочлар, зулукдек қошлар, ғунчадек лаб... Хуллас, бизнинг кўз ўнгимизда шундай париваш намоён бўлади. Лекин, бу сиз ва менинг тасаввуримда. Бошқа халқлардачи?

Биласизми ҳиндуларда, ким жозибадор саналади? Мана, Майя қабиласидаги офатижонларнинг таърифи: ғоз бўйин, дўнг пешона, лаб-даҳани туртиб чиққан, бош чиғаноғи тухумсимон, гардан... Бўйин, гардан шунчалар узунки, боши сакрабодом ўйнаб, тебраниб туради. Энди ўйлашингиз мумкин, нима улар онадан шунақа туғиладими, деб. Ҳечам унақа эмас, улар ҳам худди бошқалардай дунёга келишади. Гўзал бўлиш эса осонмас. «Меҳнат» қилиш керак. Айниқса, ҳинду аёллари худо берган ҳуснга қаноатланмай, яна-да гўзал бўлишга интилишади. Аниқроғи, буни ота-онаси хоҳлайди. Қизлари латофатли бўлиши учун улар ёш гўдакнинг бўйнига тош тасмани сириб боғлаб қўйишади. Ёш улғайган сайин «тош маржон» ҳам бир шодадан қўпайтириб борилади. Бош чаноққаям шу йўсинда «ишлов» бериб, истаган шаклга солинади.

Қизлар балоғатга етгачина бош ва бўйинлар «тош шода»дан бўшатилади. Бундан ташқари қизалоқларнинг бурнигаям тошчалардан «сирғача»лар осилади ва оқибатда, аксариятларининг кўзи ғилай бўлиб қолаверди. Аммо, бу нарса майяликлар назарида аёлларнинг латофатига қўшилган кўрк.

Тасаввур қилинг, ортиқча «юк»дан бўшаган бошлар, бўйинлар тирговичидан бўшатилган новдадай тинмай сакрабодомдай силкиниб туради. Ана малоҳат!

Сакрабодом санамлар майялик ҳиндулар орасида алоҳида эътиборга сазовор бўлишади. Билмадим, бу биз учун қанчалар ғайриоддий, аслида турфа оламда турфа халқ, турфа урф-одатлар яшайди-да.

Саҳийа САЙХУН
тайёрлади.

ТАШКИЛОТ
«ВАЗ», «Москвич», «ГАЗ-24», «ГАЗ-53», «УАЗ», «ЗИЛ», «МАЗ», «КамАЗ» автомобиллари учун эҳтиёт қисмларни сотади
ҲАҚ ТЎЛАШ - ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти доирасида харидорнинг омборхонасигача бепул етказиб бериш мумкин
Манзил
Тошкент, Нукус кўчаси, 29 («Ўзбекистон» маиший хизмат кўрсатиш уйи) — Мўлжал Шимолий темир йўл вокзали.
Телефон: 54-49-11.
Факс: 54-56-97
Пейжер: (067) 90-79

«Алиса - 98» хусусий фирмаси тугатилади
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.
Бухородаги телефон: 223-89-97.

Тошкент вилояти Чиноз туманидаги Н. Шарипов номли 25-ўрта мактаб томонидан Исомиддин Асроровича Ўталов номига 1998 йилда берилган № 093499 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибияти «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарининг Бош муҳаррири Азим Суюнга волидаи муҳтарамаси НОРБУВИ аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ва ҳамдардлик билдиради.

«Мулоқот» журнали жамоаси ва таҳрир ҳайъати аъзолари таниқли шоир, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари Бош муҳаррири Азим Суюнга волидаи муҳтарамаси НОРБУВИ аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти жамоаси шу газеталарнинг Бош муҳаррири Азим Суюнга онаси Норбуви МАМАДАЛИЕВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Фанлар академияси Биокимё институтининг жамоаси академик Ё.Х.Тўрақуловга умр йўлдоши, профессор Маҳмуда Маҳкамовна МАҲКАМОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.